# Адолатли сайловлар — демократия кўзгуси!

## ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

I

XXI аср бўсағасида демократик ривожланишнинг қадр-қимматлари, тамойиллари ва нормалари, адолат мақсадлари шу даражада унверсал бўлиб қолганки, уларнинг лозимлиги ва таъсирчанлиги инкор этилиши мумкин эмас.

Фақат ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ижтимоий тараққиёт ва барқарорликни, давлат ва жамият бошқарувида инсон ҳуқуқларини, сайловларда ўз фикрини ифода этишни кафолатлайди.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси жамият ривожи стратегиясини белгилайди, унинг кафолати эса демократик жамиятда эзгулик, бахт-саодатни, ҳаёт фаровонлигини ва ижтимоий адолатни олий қадриятлар деб билувчи Президент бўлади.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, буюк миллий ғоялар, олийжаноб демократик мақсадлар шуларга мос қонуний воситалар ёрдами билан амалга оширилгандагина ижобий натижаларни келтириб чиқариши мумкин.

Бугун биз ҳуқуқий давлат барпо этиш, ватандошларимизда ўз халқига, мамлакатига садоқат ҳис-туйғуларини шакллантириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлатчилигимизни ривожлантиришнинг амалий ва маънавий воситалари эканлигини тўғри англамоғимиз лозим.

Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти бунёд этилаётган шароитда умуминсоний қадриятларга асосланган социал-демократик дунёқараш ва ғояларнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш ижтимоий тараққиёт йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

II

«Адолат» социал-демократик партиясининг бош мақсади — мустақилликни мустаҳкамлаш,ислоҳотларнинг жадаллашувига, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ва, пировардида, Ўзбекистоннинг жаҳонда ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишидек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

«Адолат» социал-демократик партияси аҳолининг кенг табақаларига таянади, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини қонунчилик йўли билан ифода этишга интилади, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга кўмаклашади, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Партиянинг ғоявий негизини социал-демократиянинг уч асосий тамойили ташкил этади. Булар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолат тамойилларидир.

Сиёсий адолат тамойили фуқаролик ҳуқуқи ва сиёсий эркинлик, яъни виждон, сўз, матбуот эркинлигини, шунингдек, ҳамма учун баробар бўлган сайлов ҳуқуқини, қонун олдида тенгликни ўз ичига олади.

Иқтисодий адолат тамойили жорий этилганда партия ҳамма турдаги мулкчилик шаклларини, шу жумладан, давлат, жамоат, хусусий шаклларини сақлаб қолишга интилади.

Ижтимоий адолат жамиятнинг барча аъзоларига ўз қобилиятларини амалга ошириш учун ва меҳнат улуши миқдорига мувофиқ ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун тенг имкониятлар яратишни англатади.

Ижтимоий адолат тамойилини амалга ошириш барча фуқаролар қобилиятларини ривожлантириш ва меҳнат фаолияти маълум турини танлаш имконларини кенгайтиришни назарда тутади.

Ижтимоий адолат тамойилига биноан нафақат меҳнатга ҳақ тўлаш, балки бошқа даромадлар ҳар бир кишининг меҳнат улушига кўра тақсимланиши лозим.

Ижтимоий адолат тамойили жамият равнақи учун ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро ўзини ва оиласини боқиш, билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўз қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, шунингдек, ўтиш даври шароитида аҳолининг барча табақаларини ижтимоий муҳофазалаш тадбирларини амалга оширишни назарда тутади.

Партия халқимизнинг якдиллиги, руҳий қуввати ва пировард натижада истиқлолимизга раҳна солувчи — миллатчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, боқимандалик, шунингдек порахўрлик, коррупция каби иллатларни изчиллик билан фош этади. Партия давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотларининг бундай салбий ҳолатларга қарши курашида кўмакдош бўлади.

III

Ўзбекистон халқи фаровонлигини оширишда иқтисодиёт муҳим аҳамият касб этади. Бутун халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси хусусий, жамоа, давлат мулкига асосланган бозор иқтисодиётини ривожлантиришни кўзда тутади.

Мулкдорлар мулкининг дахлсизлигини амалда таъминлаш партиямиз фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Бизнинг мақсадимиз аниқ: кимки жамиятда элим деб, юртим деб ҳалол меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

«Адолат» социал-демократик партиясининг асосий вазифаси ер эгаси бўлган деҳқонларга таяниб, қишлоқда туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, шунингдек уларнинг мустақил ишлаши учун шарт-шароит яратиб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларнинг эркинлигини, ҳуқуқий мустақиллигини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, атроф-муҳит ва экологияга зарар келтирадиган хавфли ўчоқларни бартараф этишдир.

«Адолат» социал-демократик партияси ишбилармонлик ва тадбиркорлик барча хўжалик, тижорат ва ишлаб чиқариш тузилмалари эркин фаолият кўрсатишлари учун керакли шарт-шароитлар яратилишига ҳаракат қилади.

«Адолат» социал-демократик партияси иқтисодиётни янги техника ва технологияни жорий этиш, экология жиҳатидан тоза истеъмол молларини ишлаб чиқариш асосида ривожлантиришга бор куч-ғайратини сарфлайверади.

«Адолат» социал-демократик партияси молия-банк тизимини такомиллаштириш, мижозлар учун унинг иложи борича қулай, содда бўлишини таъминлашни ўз бурчи деб билади.

Партия бозор иқтисодиёти шароитида тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланувчи эркин рақобатни шакллантириш учун бор илмий ва ижодий имкониятини ишга солади, жамиятимиз инфратузилмасини: соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, фанни такомиллаштириш учун хорижий инвестициялар жалб қилинишини таъминлайди.

IV

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш ва фаровонлигини оширишни, жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини ривожлантиришни ўзининг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблайди.

Иқтисодий ислоҳотлар шароитида аҳолининг кам таъминланган қатламлари — кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси партиянинг доимий эътиборида бўлади. Партия соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, санъат каби ижтимоий соҳа ходимларини қўллаб-қувватлайди.

Партия маориф ва таълим соҳасида ягона таълим тизимини жорий этиш тарафдоридир. Бунда миллий қадриятлар билан бир қаторда, фан ва техниканинг жаҳон ютуқларидан самарали фойдаланиш керак, деб ҳисоблайди.

Республикамиз келажаги интеллектуал салоҳият даражасига боғлиқ. Бизнинг мақсадимиз уни нафақат асраб-авайлаш, балки ана шу бебаҳо бойликдан оқилона фойдаланиш ва уни ривожлантиришдир.

V

«Адолат» социал-демократик партияси асрлар оша буюк аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган маънавий-маданий, ахлоқий-одобий, тарбиявий-маърифий, ҳалол меҳнат билан ризқ-рўз яратувчилик, саховатпешалик анъаналарига имон-эътиқод ила содиқ қолаверади. Ватанга содиқ, мард, шижоатли, ғайрати жўшган, ҳушёр, ваъдасига вафодор, ҳаё-иболи, яхши-ёмонни ажрата биладиган, сабр-қаноатли, инсоф-диёнатли, дунёвий маданиятли, зукко авлод тарбияси энг муҳим вазифаларимиздан бирига айланади. Ўз она тилимиз, динимизни, миллий урф-одатларимизни, инсоният маънавиятига дахлдор ва умуминсоний ғурурликни шакллантирувчи жамики бойликларимизни асраб-авайлаймиз.

«Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилиб ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш тамойилларига асосланиб, амалдаги қонунлар доирасида барча фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, ҳаммага, миллатидан қатъий назар, тенгҳуқуқлиликни кафолатлайди.

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонунга амал қилган ҳолда партия бир тилни қаттиқ улуғлаб, иккинчисининг камситилишига асло йўл қўймади. Партия ёшларнинг жаҳон тилларини ўрганишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлайди.

Партия виждон эркинлиги тарафдори. Унинг динга муносабати ижобийдир, Ислом дини ва бошқа динларга хос ахлоқий поклик, диёнат, меҳр-мурувват, иймон каби фазилатларни маъқуллайди.

VI

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатимизда демократиянинг ривожига муносиб ҳисса қўшишни ўз вазифаси деб ҳисоблайди.

Демократияни тараққий эттириш борасидаги ишларда фаол қатнашиш учун демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойилларини: инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва амалга ошириши, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлигини жорий этиш зарур.

Мамлакатимизда шаклланаётган демократия бошқа мамлакатлардан ҳеч қачон кўр-кўрона кўчирилмаслиги шарт, чунки демократик жараёнлар ҳар бир давлатда унинг тарихи, миллий маданияти, урф-одатлари, удумлари, динига бевосита боғлиқ бўлиб, ўз хусусиятларига эга.

VII

Озод ва обод, келажаги буюк Ватан ва ҳур миллат истиқболи ёшларимизнинг ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш даражасига боғлиқ.

Партия ёшларни «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ тарбиялашга ҳаракат қилади. Шу боис ҳам партия ёшларни ватанпарвар, элпарвар руҳда камол топдиришга катта эътибор беради.

Партиямиз кенг жамоатчилик, маҳаллалар, «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда «Ёшлар — бизнинг келажагимиз, биз уларни ҳеч кимга бермаймиз!» шиори остида миллий мафкура асосида ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантириш бўйича иш олиб боради.

Ўтиш даврида ёшлар тарбиясига бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Партия бу борада бўшлиқ бўлиб қолишига йўл қўймайди. Шу боис ҳам партия Ватаннинг, миллатнинг келажагини ўйлайдиган ҳар бир фуқаро ёш авлод камолотига масъулдир, деб ҳисоблайди.

VIII

Халқимиз тарихида ўзларининг ақлу заковатлари, жасорату матонатлари, назокату нафосатлари билан ўчмас из қолдирган буюк оналаримиз Тўмарис, Сароймулкхоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсийлар доимо юксак эҳтиром билан тилга олинади. Ҳа, аёл, она — мўътабар зот. Шарқда аёллар ҳамиша улуғланган.

Партия аёлнинг оиладан ажралмаган ҳолда, оила билан уйғунликда жамоат фаолиятида фаол иштирок этиши тарафдоридир. Бунда аёлнинг жамиятдаги ролини кучайтиришга, унинг маънавий-руҳий етуклигига, ижодий имкониятларига, изланувчан ва интилувчанлигига эътибор қаратади.

Партия ўз сафларида етук, билимли, салоҳиятли, жонкуяр ва фидойи аёлларга кенг ўрин беради. Уларни жамоат, давлат ишларига, сайловларда эса Олий Мажлис, маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод этиб тавсия этади.

«Адолат» социал-демократик партияси аёлларимизга иш вақтини қисқартириш, иш шароитларини яхшилаш, янги иш ўринлари очиб бериш учун тегишли идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боради, бу борада ўз тавсияларини беради.

IX

Барча давлатлар, халқлар билан тинч-тотув яшашни қўллаб-қувватлайди, улар билан турли соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга интилади. Биринчи навбатда қўшни давлатлар, Марказий Осиё суверен давлатлари билан дўстлик алоқаларини қўллаб-қувватлаш лозим, деб ҳисоблайди.

Партия давлатлар, миллатлар, халқлар ўртасидаги муносабатлар тинчлик, музокаралар асосида олиб борилишининг тарафдори бўлиб, бу борада у ўз миллий — давлат манфаатларини кўзлайди. Партия турли низоли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатишга қарши.

«Адолат» социал-демократик партияси халқаро социал-демократик ҳаракатда фаол иштирок этади.

Партия ғоявий жиҳатдан яқин бўлган етакчи мамлакатлар социал-демократик партиялари ҳамда социал-демократларни бирлаштириб турувчи халқаро ташкилот — Социалистик Интернационал билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади.

X

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик, одил фуқаролик жамияти қуриш «Адолат» партиясининг асосий мақсадидир. Буюк бобомиз Амир Темурнинг «Куч — адолатда» деган шиорини ҳаётга кенг татбиқ этиш лозим. Асрлар давомида кишилар адолат ва ҳақиқат учун курашганлар, мислсиз қурбонлар берганлар. Адолат ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Аммо гап унинг жаранг-дор номида эмас, балки адолатга эришиб, уни ҳаётда ўрната олишдадир.

Муҳтарам сайловчилар! Бугун сизга танлаш ҳуқуқи берилди. Ҳеч адашманг. «Адолат» сизга хос ва мос партиядир.

Сайловда унинг номзодлари учун овоз беринг. Ана шунда Сиз фахр ва ифтихор туйғулари билан республикамизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, соғлом сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар қарор топган ҳуқуқий демократик, адолатли фуқаролик жамияти қуришга ҳисса қўшган бўласиз.

# ШАРОИТ ТЕНГ БЎЛСА...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эътиборли томони шундаки, ташаббускор гуруҳлар номзодларини қўллаб-қувватловчи марказга ҳам ҳар бир сиёсий партияга берилган имконият даражасидаги тенг шароит яратилган.

Саволнинг иккинчи қисмига келсак, албатта, матбуотда фақат битта номзод ёки битта партия эмас, балки барча манфаатдор томонлар ҳам бирдай тарғиб қилиниши керак. Шу нуқтаи назардан тегишли сайлов округ ва матбуот раҳбарлари томонидан барчага ана шундай тенг имкониятлар мавжудлиги эълон қилинди. Лекин берилган имкониятдан фойдаланиш ҳар кимнинг ўз хоҳиши. Демоқчиманки, агарда бир номзод ўз сайловолди ташвиқотига ижодий ёндошиб, матбуотда бир неча маротаба чиқиш қилса, марҳамат, иккинчи томон эса, ташвиқотнинг мазкур шаклидан эплаб фойдалана олмаса ёки истамаса, буям унинг ихтиёри. Демак, унда шундай имкониятдан фойдаланиш қобилияти йўқ. Худди шундай қоида сайловчилар билан бўладиган учрашувларга ҳам тегишли. Яъни, агар сайлов комиссияси барча номзодларга учрашув вақти, жойини эълон қилсаю унга номзодлардан бири келмаса, учрашув кечиктирилмайди ёки қолдирилмайди. Бу ҳам, ҳозирги сайловларда қўлланилаётган демократик тамойилларимиздан бири десам, янглишмаган бўламан.

**— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида келтирилган «Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади», деган иборанинг моҳиятини тушунтириб берсангиз.**

— Бунинг асосий мазмуни шундаки, барча номзодлар ва уларнинг тарафдорлари бўлган томонларга ўзаро келишиб, сайловчилар билан учрашувнинг дебат(ўзаро баҳслашув) ёки миллий менталитетимизга хос кўринишлардан бири — «бир пиёла чой устида» (чойхона) шаклларини танлаш ёки бўлмаса, кўнгилочар тадбирлар орқали, умуман учрашувнинг ўзларига қулай бўлган шаклидан фойдаланиш имкони берилади. Фақат номзодларнинг хуфя мулоқотлари, уйма-уй юриб сайловчиларни тарғиб қилиши қонунга зид. Учрашувлар ошкора бўлиши шарт. Оммавий йиғин ва мулоқотлар, кўнгилочар тадбирлар, депутатликка номзод кўрсатган ташкилотларнинг имиджи(обрўйи)ни шакллантирувчи бошқа анжуманлар Ўзбекистон Республикасининг мавжуд қонунлари доирасида ва томонларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади. Кўргазмали ташвиқот воситаларидан фойдаланиш тегишли ташкилотлар имиджини шакллантириш билан боғлиқлигини инобатта олиб, бу жараённи улар ўз имкониятларига қараб белгилашлари мумкин.

**— Депутатликка номзодни ташвиқ қилиш жараёнида, қонунга кўра, ахборот хизматларидан фойдаланиш мумкин. Бу хизматлар нималарни ўз ичига олади? Шунга аниқлик киритсангиз.**

— Депутатликка номзод кўрсатган органлар ўз ташвиқотларини олиб боришда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситаларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агарда, номзодлар якка тартибда матбаа маҳсулотларини тайёрласалар, таржимаи ҳол ва шиорларини чоп этиш ва уларни сайловчилар билан учрашувларда тарқатилиши тавсия этилади. Бу ерда ҳам албатта, қуйидаги шартларга риоя қилиниши керак. Ушбу матбаа маҳсулотларининг миқдори(алади), чоп этувчи нашриёт, босмахонанинг аниқ номи, манзили, ким томонидан тайёрланганлиги кўрсатилиши шарт. Шунингдек, ушбу варақа ва нашрларда номзодларнинг бир-бирининг шаънига тегадиган ташвиқотлар қилиши тақиқланади.

Бундан ташқари, республикамиздаги мавжуд соҳа, вилоят нашрлари, хусусий телевидениелар томонлар билан келишиб, сиёсий рекламалар, видеороликлар сингари сайловнинг тарғибот-ташвиқот шаклларидан фойдаланишлари мумкин. Бунда фақат икки талабга риоя қилиниши шарт:

— давлат ва нодавлат телевидениеларига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, яъни бепул хизмат кўрсатиш;

— барча номзод ва ваколатли органлар бирдай тарғиб қилиниши.

Шу ўринда бир нарсани айтиш жоиздир, яъни кабелли(туну-кун) ишлайдиган телевидениелар сайлов тарғиботига аралашмасликлари керак.

Республика телевидениеси ва радио дастурларида ҳамда вилоят телерадиоларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш Ўзбекистон Телерадиокомпанияси томонидан тақдим этилган ва Келишув кенгашида тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилади.

ОАВ томонидан айрим номзодларга алоҳида шароит ва кенг имконият яратиб бериш амалдаги қонунларга хилоф ҳисобланади. Ҳар бир номзод ташвиқоти бўйича ОАВ раҳбарлари ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда иш юритишлари кўзда тутилган.

* * *

Раис билан суҳбат асносида нафақат номзодларнинг тенг имкониятлардан фойдаланишлари, балки сайловчиларга ҳам номзодлар юзасидан энг муносибини танлаш учун бир хил шароит яратилиши лозимлигига ишонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат, инсонлар қалбига йўл топа билиб, ўзидаги бор имконият ва салоҳиятини намоён қилган ҳолда, халқ ишончини қозона олган номзодларгина депутат деган шарафли ва масъулиятли номга эга бўлишга ҳақлидирлар.

Зеро, барча депутатликка номзодлар учун тенг шароитлар яратилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда сайлов тўғрисидаги қонунлар билан кафолатланган.

**Обиддин МАҲМУДОВ суҳбатлашди.**

**Қандай ҳолларда сайлов ўтмади, деб ҳисобланиши мумкин?**

**М. СУЛАЙМОНОВА, Наманган шаҳри.**

*«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасида қайд этилишича:*

*«Башарти, сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками сайловда иштирок этган бўлса — сайлов ўтмаган деб топилади».*

## САВОЛ ? ЖАВОБ

**Овоз беришда иштирок этган фуқароларда сайловлар ҳаққоний ўтказилганлигига шубҳа уйғонсачи?**

**Ш. ИБРАГИМОВ, Тошкент шаҳри.**

*«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасига биноан:*

*«Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли сайлов умуман вилоят, туман, шаҳар бўйича ёки айрим сайлов округлари, ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида судга шикоят қилиниши мумкин».*

• Маънавият

# ЯНГИ

## ёхуд сайловлар, одамлар

**Ҳаётда юз кўрсатадиган ҳар бир янги воқеа-ҳодиса, саъй-ҳаракат, албатта, ўзининг ижобий таъсир кучига эга бўлади. Бу қабилдаги янгилик инсон ҳаётида кескин бурилиш ясаш ва унинг дунёқараши, тафаккур тарзини бутунлай ўзгартириб юборишга хизмат қилади.**

**Биз яқинда юртимиз мустақилликни қўлга киритганига гувоҳ бўлдик. Бу биз учун мутлақо янгилик, янги даврнинг бошланиши эди. Яшириб нима қилдик, ўшанда кўпчилигимиз бу янги тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати нечоғлик баланд эканлигини бирдан англаб етолмай қийналганмиз.**

**Аммо бугун янгиликнинг қадами қутлуғ келиши, мустақиллик ҳаётимизни безаётганини, ўзлигимизни англашга, қаддимизни тиклашга, қисқаси, миллатни миллат, халқни халқ қилишга муҳим таянч бўлаётганлигига ҳар биримиз шоҳид бўлиб турибмиз.**

Эзгулик ҳамиша эзгуликни бошлаб келади.

Амур Темур номининг қайта тикланиши, қадимий шаҳарларимизнинг кўп минг йиллик тўйи жаҳон миқёсида кенг тантана қилиниши, она тилимизнинг қадр топиши, Имом ал-Бухорий масжид мажмуининг барпо этилиши, мамлакатимиз тарихида илк марта автомобиль заводининг қуриб ишга туширилиши, нефть мустақиллигига эришиш ва шу каби юзлаб ҳодисаларни халқимиз аввало, мўъжизавий янгилик сифатида қарши олди. Бу ўзгаришлар муайян соҳаларга катта фойда келтириши билан бирга халқнинг тафаккур тарзи ва дунёқарашини ўзгартириш, келажакка ишонч ҳиссини оширишга кўрсатган таъсир кучини бугун ҳар биримиз ҳис этиб турибмиз. Ҳаётимизда юз кўрсатаётган ҳар бир янги воқеа-ҳодиса ва уларнинг таъсири ҳақида шундай фикр айтиш мумкин.

Биз бугун яна шундай бир янги жараён — сайловлар арафасида турибмиз.

Хўш, бўлажак сайловлар қайси жиҳати билан ҳаётимизда янгилик саналади? Бурунги сайловлардан уларнинг фарқи нималарда кўринади? Уларнинг тарбиявий аҳамияти, жамият истиқболига таъсири нима билан изоҳланади?

Биз бугун ҳаётимизда ҳар бир янгилик эҳтиёжга айланган бир даврда яшаяпмиз. Бўлажак сайловлар ҳам аслида шундай эҳтиёж таъсирида юзага келган янгилик саналади. Бу сайловларнинг янгилиги ва ўзига хослиги аввало шу билан изоҳланадики, бу жараён бутунлай халқнинг назорати остида ўтади, унинг фикри, ҳатто оддий бир фуқаро билдирган ишонч ҳам ҳал этувчи кучга эга бўлади.

Шўро замонида ўтган сайловларда ҳам халқнинг фикри шундай етакчи кучга айланганмиди?

Йўқ!

Аксинча, шўро замонида халқнинг фикри, агар таъбир жоиз бўлса, сариқ чақалик қадр-қимматга эга бўлмаган. Чунки сайловлар бош-адоғ давлатнинг қаттиқ назорати остида ўтган, ким депутат бўлади, ким бўлмайди — ҳаммаси олдиндан белгилаб қўйилган. Аммо депутат бўлган кимса ҳам бирон бир таъсир кучига эга бўлмаган. Балки у мустабид мафкура қўлида қўғирчоқ саналган.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, бугунги сайловлар ҳаётимизда том маънода янгилик саналмайдими?!

Бўлажак сайловларда ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлар кўрсатган номзодлардан ташқари бешта партия вакиллари Олий Мажлисга депутатлик учун тенг асосда кураш олиб боради. Бу — аввало энг муносиб номзодларни оғишмай танлаш имконини яратса, иккинчидан, ҳаётимизда қисқа муддат ичида демократик тамойилларнинг кенг шаклланганини, халқнинг дунёқарашида кескин ижобий ўзгаришлар юзага келганини англатади.

Бўлажак сайловларга тайёргарлик арафасида тилимизда янги бир ибора пайдо бўлди: **мустақил номзод.**

Ҳатто шу жараён асосида мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳам юзага келди.

Хўш, бўлажак сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтиши кутилаётган бир пайтда яна мустақил номзоларга нега эҳтиёж туғилди?

— Бунинг сабаби шундаки, — дейди журналист Сафар ака Остонов, — жойларда шундай қобилиятли кишилар борки, улар теран фикрлайди, халқ ҳаётини яхши билади, миллат ва Ватан тақдири учун фидойи. Аммо улар сиёсий ҳаётга фаол аралашмайдилар. Шундай кишилар сиёсий жараёнларга фаол аралашиши, ўзларининг лаёқатларини тўла юзага чиқариши учун яратилган имконият бу.

Бу ҳол ҳам ҳаётимизда ўзига хос янгилик эмасми?!

Албатта, катта сиёсий жараёнларнинг халқ ҳаётига, жамият истиқболига муқаррар таъсири бўлади. Бўлажак сайловлардан кўзланган мақсад ҳам аввало халқ ҳаётини янада яхшилаш, жамият истиқболини янада нурли қилишдир. Сайловларнинг жамият истиқболига ижобий таъсири шунда кўринадики, бу жараёнда ҳар томонлама етук, миллат ва Ватан тақдири учун чин юракдан қайғурадиган шахслар халқ ишончи воситасида танлаб олинади. Бу эса ўз навбатида улар миллат манфаатлари йўлида катта миқёсда фаолият кўрсатиши, ўз салоҳиятини тўла юзага чиқариши учун кенг имконият яратади.

Бундан ташқари, бўлажак сайловлар муҳим тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Халқимиз сайлов жараёнида ўзи демократик тамойилларни нечоғлик чуқур тушуниши, келажакка қанчалик ишонч билан қараётгани, фикри ва тафаккур тарзида юзага келган ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир марта англайди. Содда қилиб айтганда, халқнинг ўзи ҳам сайлов жараёнида жиддий синовдан ўтади, шу пайтга қадар билмаганини билади, англамаганини англайди.

